# Тошкент оқшоми

2013 йил 23 январь, чоршанба

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 16 (12.327)

Баҳоси эркин нархда


**ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ**

***Ёшлар ижод саройида 22 январь куни «Ўзбекистон Республикасида ёшлар сиёсатини амалга оширишнинг долзарб масалалари» мавзуида илмий-амалий республика конференцияси бошланди. Анжуман Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг истиқболли ёш педагог ва илмий кадрлар малакасини ошириш «Истеъдод» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва Ўзбекистон Фанлар академияси томонидан ташкил этилди.***

## ЎЗБЕКИСТОНДА ЁШЛАР СИЁСАТИ — МАМЛАКАТНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

Конференцияда Ўзбекистон Республикаси парламенти аъзолари, вазирликлар, идоралар, жамоат ташкилотлари раҳбарлари, илмий ва маънавий-маърифий муассасалар мутахассислари, барча турдаги ўқув юртлари педагоглари, мамлакатимизнинг иқтидорли ёшлари вакиллари – давлат мукофотларига сазовор бўлган йигит-қизлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат стипендияси ва махсус стипендиялар соҳиблари бўлган олий ўқув юртлари талабалари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва мактаблар ўқувчилари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этмоқда.

Конференцияда мустақилликнинг дастлабки кунларидан Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган фаровон демократик давлат ва жамиятни барпо этишга йўналтирилган туб ислоҳотлар сиёсатининг ўзига хос хусусияти унинг аниқ ижтимоий йўналтирилганлигида экани таъкидланди. Бугунги кунда Ўзбекистон аҳолисининг 60 фоиздан ортиғини ёшлар ташкил этади. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ижобий ўзгаришлар замирида ҳар томонлама баркамол – жисмонан соғлом, ақлан етук, нафақат кўплаб билимларни, ҳозирги даврда талаб катта бўлган касб-ҳунарларни эгаллаган, айни пайтда, мустақил ва ижодий фикрлашга қодир, интеллектуал салоҳияти юксак ёш авлод тўғрисида ғамхўрлик қилишдек устувор мақсад мужассам экани табиийдир. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, олдимизда турган энг эзгу мақсадларимиз – мамлакатимизнинг буюк келажаги ҳам, эртанги кунимиз, эркин ва фаровон ҳаётимиз ҳам, Ўзбекистоннинг XXI асрда жаҳон ҳамжамиятидан қандай ўрин эгаллаши ҳам – буларнинг барча-барчаси, авваламбор, янги авлод, униб-ўсиб келаётган фарзандларимиз қандай инсонлар бўлиб вояга етишига боғлиқдир.

Мамлакатимизда юритилаётган кучли ёшлар сиёсати мустаҳкам ҳуқуқий асосга эга. У Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қоидаларида, ушбу соҳага тегишли 22 қонунда ўз ифодасини топган. Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг қабул қилинган дастлабки қонун ҳужжатларидан бири 1991 йил 20 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги қонун эканлигида катта рамзий маъно бор. Президентимизнинг қатор фармон ва қарорлари ўсиб келаётган ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар, миллий истиқлол ғояси, ўз Ватани ва халқига меҳр-муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашга, уни ҳар томонлама – жисмонан, маънан ва руҳан баркамол этиб вояга етказиш учун зарур шарт-шароитларни яратишга йўналтирилган. Айни пайтда кўплаб мақсадли давлат дастурлари ҳам ҳаётга муваффақиятли татбиқ этилмоқда. Бу борадаги ишларнинг юқори самарадорлиги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда жамоат тузилмалари, шу жумладан, ўз сафларида 5,5 миллион йигит-қизни бирлаштирган "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ва бошқа ташкилотлар ўртасида тобора кенгайиб бораётган ижтимоий ҳамкорлиги натижасида таъминланмоқда.



Конференция иштирокчилари шуни алоҳида таъкидлашдики, ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳар томонлама ривожланиши учун барча қулай шарт-шароитларни яратиб бериш борасида олиб борилаётган комплекс чора-тадбирлар халқимизга хос хусусият бўлиб, миллий табиатимизнинг узвий қисмига айланган. Ҳар бир оилада, ҳар бир маҳаллада, энг аввало, ёшларнинг саломатлигини таъминлаш, уларга яхши билим бериш, айни пайтда юксак маънавий ва ахлоқий фазилатларга эга муносиб шахслар этиб вояга етказиш азалдан муҳим масала бўлиб келган. Мустақиллик йилларида ушбу вазифалар Ўзбекистонда давлат сиёсати даражасига кўтарилди ва бу эса барча соҳаларда юксак ютуқларга эришиш имконини бермоқда.

(Давоми 2-бетда)

***Мамлакатимизга ташриф буюрган Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ) Бош котиби Ламберто Занниер раҳбарлигидаги делегация Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида музокара ўтказди.***

## ЕХҲТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ — ЎЗБЕКИСТОНДА

Учрашувда Ўзбекистон билан ЕХҲТ ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари, минтақавий муаммолар, трансмиллий таҳдидларга қарши курашиш масалалари ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама қилинди. Ўзбекистоннинг тадрижий ислоҳотларга асосланган ўз тараққиёт модели иқтисодиётни изчил ривожлантириш йўлида мустаҳкам пойдевор яратгани, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларига қарши самарали курашиш ҳамда дунёдаги саноқли мамлакатлар қаторида иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг барқарор юқори суръатларини таъминлашга эришиш имконини бергани алоҳида таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси изчил амалга оширилаётгани ўзининг юксак самараларини бермоқда.

Учрашувда томонлар Ўзбекистон ташкилотларининг турли соҳалардаги имкониятларини янада мустаҳкамлаш мақсадида биргаликда амалга оширилаётган йиллик лойиҳалар доирасидаги амалий ҳамкорликка устувор аҳамият қаратиши таъкидланди.

ЕХҲТ Бош котиби Ламберто Занниер Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) С.Рашидова, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори А.Саидов билан учрашувлар ўтказди.

Музокараларда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар юксак самаралар бераётгани таъкидланди. Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва янада либераллаштириш борасида амалга оширилаётган улкан ишлар натижасида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг мустаҳкам тизими шакллантирилгани, Омбудсман фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли тарзда ҳимоя қилиши учун барча қонуний асослар яратилгани қайд этилди.

ЕХҲТ, БМТ Тараққиёт дастури, ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ каби халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда инсон ҳуқуқлари бўйича юздан ортиқ асосий халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар давлат тилига таржима қилинган ва катта тиражларда нашр этилди. Ҳуқуқий ҳимояга оид мавзуларни ёритишга ихтисослаштирилган йигирмадан зиёд юридик газета ва журналлар чоп этилмоқда. Оммавий ахборот воситалари томонидан инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш масалаларига ҳамиша устувор аҳамият бериб келинмоқда.

Музокараларда Ўзбекистон билан ЕХҲТ ўртасида қонунчилик, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизими соҳасидаги ҳамкорликка оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

– ЕХҲТ Ўзбекистон билан ҳамкорликда кўплаб лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда, – деди Ламберто Занниер. – Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида олиб бораётган ишлари билан яқиндан танишиш имконига эга бўлдик. Мамлакатингиз вазирлик ва идоралари вакиллари ЕХҲТ томонидан ўтказиладиган конференция, форум, семинар ва тренингларнинг фаол иштирокчисидир. Ўзбекистон кўплаб соҳаларда улкан юксалишларга эришмоқда. Президент Ислом Каримов томонидан жорий йилнинг «Обод турмуш йили» деб эълон қилингани, олиб борилаётган бундай ислоҳотлар келажакда ўзининг улкан самараларини беради, халқ фаровонлиги янада ошади. Ўзаро ҳамкорлигимиз эса йил сайин кенгайиб, мустаҳкамланиб бораверишига ишонаман.

Ламберто Занниер Тошкент вилоятининг Қибрай туманида Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси кенгаши ва ЕХҲТнинг қўшма лойиҳаси асосида ташкил этилган тикувчилик цехининг очилишида иштирок этди.

Шу куни ЕХҲТ делегацияси мамлакатимизнинг бошқа бир қатор идора ва ташкилотларида ҳам учрашувлар ўтказди.

**Мадина УМАРОВА,**
**ЎзА мухбири**

## ИЖОДИЙ ПАРВОЗГА ЧОРЛОВЧИ ТАНЛОВ

***Ўзбекистон Миллий матбуот марказида журналистика соҳасида «Олтин қалам» VIII Миллий мукофоти учун халқаро танловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмитанинг йиғилиши бўлди.***

Унда тегишли вазирлик ва идоралар, ижодий ва жамоат ташкилотлари вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш.Ғуломов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида оммавий ахборот воситаларини ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш, сўз эркинлигини таъминлашда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан таъсис этилган «Олтин қалам» Миллий мукофоти журналистларнинг меҳнатини эъзозлаш ва ҳар жиҳатдан рағбатлантиришда, ижодини янада юқори талаблар асосида йўлга қўйиш, миллий ва халқаро журналистиканинг энг юксак ютуқларини оммалаштиришда муҳим омил бўлмоқда.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳамда Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази томонидан Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Миллий телерадиокомпания, «Uzreport» ахборот агентлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ва Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси кенгаши ҳамкорлигида ташкил этиладиган бу йилги танлов телевидение, радио, матбуот ва интернет-журналистика йўналишлари бўйича ўтказилади. Унда битта бош миллий мукофот ва ҳар бир йўналиш бўйича учтадан мукофот тақдим этилади.

(Давоми 2-бетда)

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

***Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.***

✓ **БУГУН** Тошкент Давлат юридик институтида «Гиёҳвандлик ва ОИТС – умр заволи» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

✓ **КЕЧА** С. Сирожиддинов номли академик лицейда «Обод ва озод ҳаёт йўлида» мавзуида тадбир бўлиб ўтди.

✓ **ЭРТАГА** Тошкент шаҳар хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмасида кўргазмали семинар ташкил этилади.

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

- **Андижон вилояти ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси тасарруфидаги академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасида умумтаълим фанлари бўйича фан олимпиадасининг туман ва шаҳар босқичлари бўлиб ўтди.**
- **Нукус шаҳрининг «Таслақ» маҳалласида аҳолига маиший хизмат кўрсатиш маркази очилди. Марказда дўкон, тўйхона, сартарошхона, бозорча, дорихона фаолияти йўлга қўйилди. Маҳалла аҳлига 10 га яқин хизмат турларини кўрсатадиган ушбу марказнинг ишга туширилиши муносабати билан 20 киши муқим иш ўрнига эга бўлди.**
- **Бухоро шаҳрида янги автобус йўналишлари очиш ва аҳолига қулайлик яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, «2533-автожамланма» давлат унитар корхонаси томонидан кейинги вақтда вилоят марказида саккизта янги йўналиш очилиб, уларда Самарқанд автомобиль заводида ишлаб чиқарилган 90 та автобус қатнови йўлга қўйилди.**
- **Марҳамат туманида мактабгача таълим муассасаларида хорижий тилларни ўргатиш самарадорлигини ошириш масалаларига бағишланган илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.**
- **Жиззахда вилоят адлия бошқармаси ва «Истиқболли авлод» ёшлар ахборот-маърифат маркази томонидан нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолияти самарадорлигини янада ошириш масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.**
- **Олтиариқ туманидаги Тинчлик шаҳарчасида «Соғлом аёл маркази» иш бошлади. Бу ерда хотин-қизларнинг маиший хизмат шохобчаларидан фойдаланиши, спорт маҳсулотлари билан шуғулланиб, саломатлигини мустаҳкамлаши учун қулайликлар яратилган.**

### ЖАҲОНДА

- **Халқаро валюта жамғармасининг маблағларни тақсимлаш бўйича директори Кристин Лагаронинг таъкидлашича, агарда Греция ҳукумати мамлакатда иқтисодий ислоҳотлар жараёнини кўнгилдагидек якунласа, унга қўшимча молиявий кўмак керак бўлмайди. Бироқ, тузилмавий ислоҳотлар бажарилмайдиган бўлса, Афинадан келгусида бюджет харажатларини қисқартириш талаб қилинади.**
- **Кучли қор ёғиши ва учиш-қўниш йўлакларининг музлаши натижасида Германиянинг Франкфурт аэропортида 130 га яқин рейслар бекор қилинди.**
- **Сочидаги қишки Олимпиада 2014 йилнинг 7-23 февраль кунлари, XI қишки Паралимпия ўйинлари эса 7-16 мартда бўлиб ўтади. Маълумотларга кўра, Сочи Олимпиадаси ўйинларининг энг арзон чиптаси бир минг рублни ташкил этса, энг қиммати учун мухлислар 40 минг рубль тўлашади. Чипталар 2013 йилнинг февраль ойидан бошлаб сотилади.**
- **Австралия қирғоқларида сайёҳлик кемаси яхтада бир ўзи курраи замин бўйлаб саёҳатни амалга оширмоқчи бўлган ва кучли бўрон натижасида яхтани тарк этиб қутқарув қайиғида очиқ океанда уч кун қолиб кетган француз сайёҳини қутқариб олди.**
- **Покистоннинг Лахор шаҳрида жойлашган савдо марказида рўй берган ёнғин натижасида 6 киши ҳалок бўлди. Улар орасида битта ёш бола ҳам бор.**
- **Ўтган асрнинг 60-йилларидаги машҳур телесериал қаҳрамони Бетмэн ва унинг шериги Робин бошқарган асосий транспорт воситаси — олтита бэтмобилдан биринчиси АҚШда ўтказилган кимошди савдосида 4 миллион АҚШ долларига сотилди.**

# ЎЗБЕКИСТОНДА ЁШЛАР СИЁСАТИ — МАМЛАКАТНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Саломатликни таъминлаш, узлуксиз таълим ва баркамол ёш авлодни тарбиялаш бўйича мамлакатимизда яратилган миллий моделлар бутун дунёда юксак баҳоланмоқда. Жумладан, 2011 йилнинг ноябрида «Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: «Соғлом она – соғлом бола» мавзуида Тошкентда бўлиб ўтган халқаро симпозиумда нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан бу борада амалга оширилган ишларга юқори баҳо берилди ва улар бошқа мамлакатлар учун намуна сифатида эътироф этилди. 2012 йилнинг февралида пойтахтимизда ўтган «Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти» халқаро конференциясида Ўзбекистонда яратилган узлуксиз таълим ва тарбия миллий тизими бошқа давлатлар учун эталон, деб эълон қилинди. Буларнинг барчаси, деб таъкидланди анжуманда, Ўзбекистон, ҳақиқатан ҳам, болалар ва ёшларнинг келажаги, демакки, мамлакат истиқболи ҳақида ғамхўрлик қилинадиган давлат эканидан далолатдир.

Мустақиллик йилларида демократик ва бозор ўзгаришлари талабларига мос равишда таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимида туб ислоҳотлар амалга оширилди. Ушбу ниҳоятда муҳим соҳадаги чуқур ислоҳотлар Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 1997 йил 29 августда қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги қонун, айни пайтда кўлами, қамрови ва мақсадларига кўра ўта ноёб Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида амалга оширилди. Мамлакатимизда таълим шахс, жамият ва давлатнинг иқтисодий, ижтимоий, илмий-техник ва маданий эҳтиёжларини таъминлайдиган устувор соҳа, деб эълон қилинган. Мавжуд таълим муассасаларини давр талабларини ҳисобга олган ҳолда ислоҳ қилишдан ташқари МДҲ давлатларида ўхшаши йўқ янги турдаги ўқув юртлари – касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар ташкил этилди. Шу тарзда иқтисодиёт ва ижтимоий соҳанинг барча тармоқлари учун юқори малакали, рақобатбардош кадрлар тайёрлашга, ёшларни маънавий-ахлоқий ва ҳар томонлама ижодий ривожлантиришга йўналтирилган узлуксиз ўқув-илмий-ишлаб чиқариш таълимининг ноёб яхлит тизими шакллантирилди.




Аъло Абдуллаев (ЎзА) олган суратлар

Конференцияда, жаҳон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда, таълимнинг барча босқичлари учун давр талабларига мос давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари ва дарсликлар ишлаб чиқилиб, жорий қилингани таъкидланди. Шунингдек, илғор педагогик технологиялар ва ўқитишнинг интерфаол усулларидан кенг фойдаланилмоқда.

Ушбу йўналишда давлатимиз раҳбарининг 2003 йил 1 июлдаги Фармонига асосан ташкил қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг истиқболли ёш педагог ва илмий кадрлар малакасини ошириш «Истеъдод» жамғармаси кенг кўламли ишларни амалга оширмоқда. Унинг фаолияти мамлакатимизда таълим тизимини янада такомиллаштиришга, барча ҳудудларда ўқув жараёнига замонавий ахборот ва педагогик технологияларни жорий этиш, ёш педагоглар ва олимларнинг касбий билимлари ва кўникмаларини оширишга йўналтирилган. Олий, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ва мактаблар ходимлари учун ўнлаб кундузги ва масофавий таълим дастурлари ишлаб чиқилди. Ҳозирги пайтгача жамғарманинг фақат кундузги курсларида 10 мингдан зиёд педагог ва илмий кадрлар ўз малакасини оширди.

«Истеъдод» жамғармаси қошида Масофавий таълим маркази ташкил этилган бўлиб, бу ерда дунё стандартлари талабларига мос масофавий тарзда малака ошириш тизими яратилган. Ушбу тизим фаолияти Ўзбекистон ва бошқа мамлакатларнинг етакчи олий ўқув юртлари билан ҳамкорликда амалга оширилмоқда. Бундан ташқари, марказ ўз веб-сайти ёрдамида ахборот технологиялари ва масофавий таълим, маънавият ва маърифат, инновацион технологиялар, тарбиявий ишларни ташкил қилиш, таълим муассасаларини бошқариш каби йўналишларда масофавий тарзда малака оширишни йўлга қўйди.

Конференция иштирокчилари таъкидлаганидек, мамлакатимизнинг жаҳон майдонидаги нуфузи ва рақобатбардошлигини ошириш кўп жиҳатдан ёшларнинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини юксалтиришга боғлиқ. Шу сабабли иқтидорли ёшларни аниқлаш ва рағбатлантиришга, ёш авлоднинг замонавий дунёқарашини, ижодий ва шахсий хусусиятларини миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Президентимиз ташаббуси билан Зулфия номидаги Давлат мукофоти таъсис этилган бўлиб, унга ўқишда, ижодий ва жамоат ишларида катта ютуқларга эришаётган қизлар муносиб кўрилади. Санъат соҳасидаги ютуқлари учун энг иқтидорли ёш раққосалар, мусиқачилар ва хонандаларга «Ниҳол» мукофоти берилади. «Янги авлод» ва «Келажак овози» республика танловлари ўтказилмоқда.

Ўзбекистондаги ёшлар сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири иқтидорли ёшларни илм-фанга кенг жалб этишдир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат стипендияларига ўқишда ва жамоат ишларида юқори натижаларга эришаётган ёшлар сазовор бўлмоқда. Шунингдек, бир қатор махсус стипендиялар таъсис этилган. Ёшлар салоҳиятини ривожлантириш борасидаги бундай ғамхўрлик ўз самараларини бераётир. Бу, жумладан, ҳар йили ўтказиладиган Республика инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркасида ёш олимлар ва талабалар томонидан тақдим қилинаётган истиқболли янгиликлар сони тобора ортиб бораётганида яққол намоён бўлмоқда.

Конференцияда таъкидланганидек, ўқув юртлари, биринчи навбатда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Муайян ишлаб чиқариш корхоналари ва тармоқлар учун мақсадли равишда кадрлар тайёрлаш кенг қўлланилмоқда, ўқув юртлари, корхоналар ва ўқувчилар ўртасида уч томонлама шартномалар имзоланмоқда ва бу битирувчиларнинг келгусида иш билан таъминланишини кафолатлайди. Шу мақсадда касб-ҳунар коллежларининг иш берувчи корхоналар билан кооперация алоқаларининг бошқа шаклларидан ҳам фойдаланилмоқда. Мамлакатимизда ҳар йили минглаб иш ўринлари ташкил қилинади, бунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши муҳим ўрин тутади.

Мамлакатимизда репродуктив саломатликка ҳам катта эътибор қаратилаётир. Аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини жорий қилишга бағишланган кенг кўламли тушунтириш ишлари йўлга қўйилган, уларда тиббиёт ходимлари билан бирга Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, хотин-қизлар қўмиталари, касаба уюшмалари ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари ҳам фаол иштирок этмоқда. Репродуктив саломатликни таъминлаш бўйича ўзбек модели БМТ томонидан Шарқий Европа, Болтиқбўйи ва МДҲ давлатлари учун энг яхши ҳудудий дастур сифатида тавсия қилинган.

Соғлом турмуш тарзини, аввало, болалар ва ёшлар ўртасида шакллантиришда кўп жиҳатдан уларни оммавий тарзда жисмоний тарбия ва спортга жалб қилиш муҳим ўрин тутади. Республика спорт мусобақаларининг уч босқичли тизими мактаб ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари», академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг «Баркамол авлод» беллашувлари ва талабалар ўртасидаги Универсиада мусобақаларини ўз ичига олади. Бугун мамлакатимизнинг ҳар бир туманида, ҳатто, энг олис ҳудудларда ҳам жиҳозланиши жиҳатидан хориждаги энг илғор спорт майдонларидан қолишмайдиган замонавий спорт иншоотлари барпо этилган.

Йил сайин ёшларнинг ҳар томонлама ривожланиши учун янада қулай шарт-шароит ва имкониятлар яратилмоқда. Жумладан, мустақил ҳаётга қадам қўяётган ёш оилаларга зарур ёрдам кўрсатиш, амалий рағбат ва барқарор даромад манбаларини шакллантириш механизмини яратиш, уларнинг турар жой ва маиший шарт-шароитларини яхшилаш мақсадида 2007 йил 17 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди. Ҳар бир ҳудудда янги иш ўринлари ташкил этиш, ёшларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка фаол жалб қилиш, ёш оилаларга ўз бизнесини ташкил этиши учун микрокредитлар ажратиш ишлари кучайди. Бугун Ўзбекистонда ёш оилаларга ипотека ва истеъмол кредитлари ажратиш орқали уй-жой сотиб олиш ёки қуришда, рўзғорини бутлашда ҳар томонлама ёрдам кўрсатилмоқда.

Умуман олганда, конференцияда таъкидланганидек, мамлакатимизда халқимизга хос юксак маънавий қадриятлар ва энг яхши анъаналар руҳида камол топаётган, Ватанимиз тақдири, унинг келажаги ва эртанги кунига масъуллик туйғусини теран англайдиган, давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси доирасида ҳаётимизнинг барча жабҳаларини ислоҳ қилиш ва янгилаш бўйича тобора жадаллашиб бораётган ишларга ўз ҳиссасини қўшиш мақсадида ўқишда, ишда катта ютуқларга эришишга интилаётган барча йигит-қизлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда.

Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ректори А.Абдувоҳидов, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгашининг раиси Б.Ғаниев, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг ўринбосари И.Мирзаалиев, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Истеъдод» жамғармаси ижрочи директори А.Пардаев, Республика педиатрия ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббий марказининг катта илмий ходими Н.Алиева, Тошкент Давлат юридик институтининг магистранти, Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси соҳиби Э.Ҳамроев, Тошкент Давлат педагогика университетининг профессори Э. Юзликаева ва бошқалар ана шулар хусусида сўз юритди.

Конференция иштирокчилари ўз чиқишларида таъкидлаганидек, айни пайтда давлатимиз раҳбари томонидан ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш бўйича қўйилган вазифаларни тўлиқ амалга ошириш учун ҳали кўп ишлар қилиниши керак. Бу, биринчи навбатда, йигит-қизларимизнинг олижаноб интилишларини рўёбга чиқариш, жамиятимизнинг ижтимоий, иқтисодий ва маънавий ривожланишида иштирок этишида барча ёрдамни кўрсатиш билан боғлиқдир. Шу муносабат билан бугунги кунда ёшларда халқимизга мутлақо ёт бўлган турли оқимлар ва таъсирларга қарши мустаҳкам мафкуравий иммунитетни шакллантириш долзарб аҳамият касб этаётгани таъкидланди.

Ёшларимизнинг улкан салоҳиятини ҳар томонлама рўёбга чиқариш учун уларнинг илм-фан, техника, ахборот технологиялари, маданият, санъат, спорт, тадбиркорлик каби соҳалардаги ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ишларини янада кучайтириш, шунингдек, Ўзбекистонда кучли ёшлар сиёсатини амалга оширишда давлат ва жамоат тузилмаларининг ижтимоий шериклигини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш зарур. Айни пайтда алоҳида таъкидландики, Президентимиз томонидан кўрсатилаётган доимий эътибор ва ғамхўрлик ёш авлод зиммасига залворли масъулият юклайди, ёшларимиздан халқимиз олдида турган юксак мақсадларга эришишда янада фаоллик кўрсатишни талаб этади.

Конференция иштирокчилари Ёшлар ижод саройида ташкил қилинган кўргазма орқали мамлакатимизда амалга оширилаётган ёшлар сиёсатининг натижалари билан танишди.

Конференция иши секция мажлисларида давом эттирилди.

Конференциянинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Э.Боситхонова, А.Икромов иштирок этди.

**Анна ИВАНОВА,**
**ЎзА мухбири**

# ИЖОДИЙ ПАРВОЗГА ЧОРЛОВЧИ ТАНЛОВ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Жорий йилда саккизинчи бор ташкил этиладиган танлов нуфузи йилдан йилга ошиб бормоқда. 2006 йили ўтказилган илк танловда 136 нафар журналист 1669 ижодий иши билан қатнашган бўлса, 2012 йили ўтган VII Миллий мукофот учун танловда 470 дан ортиқ ижодкор 8,3 мингга яқин материал билан иштирок этди.

«Олтин қалам» танлови ғолибларини мукофотлаш, уни ўтказиш билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан молиялаштирилади. Анъанага кўра, бу йил ҳам бир қатор халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари томонидан турли мукофотлар таъсис этилган.

Халқаро танлов ғолиблари 3 май – Жаҳон матбуоти эркинлиги куни арафасида эълон қилинади.

**Н.АБДУРАИМОВА**



Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази билан ҳамкорликда миллий ва халқаро журналистиканинг энг юксак ютуқларини кенг оммалаштириш, ОАВ ходимлари фуқаролик позицияларини намоён этишлари учун шароит яратиш ҳамда журналистларда танқидий фикрлашни ва ижодий фаолиятга янгича ёндашувларни шакллантириш мақсадида «Олтин қалам» VIII Миллий мукофоти учун халқаро танловни ўтказади.

3 май – Жаҳон матбуоти эркинлиги кунига бағишланган бу танловга 2012 йилнинг 31 мартидан 2013 йилнинг 31 мартигача – бир йил давомида газета ва журналларда чоп этилган, радио орқали эфирга узатилган ҳамда телевидениеда кўрсатилган ва интернет нашрларида берилган материаллар 2013 йилнинг 10 апрелигача қабул қилинади.

Танлов ғолиблари учун қуйидаги мукофотлар таъсис этилган:

**Журналистика соҳасида бош миллий мукофот.** Ғолиб махсус диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишони, статуэткаси ва Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланади.

**Диққат, танлов!**

# ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИДА «ОЛТИН ҚАЛАМ» VIII МИЛЛИЙ МУКОФОТИ

**Асосий мукофотлар:**

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (телевидение – 1, 2, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (радио – 1, 2, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (босма ОАВ – 1, 2, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (интернет-журналистика – 1, 2, 3-ўринлар).

Биринчи ўринни олган ғолиблар диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишони, статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 160 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Иккинчи ўринни олган ғолиблар диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишони, статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 140 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Учинчи ўринни олган ғолиблар диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишони, статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 120 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

«Олтин қалам» танлови ғолибларини мукофотлаш, шунингдек, уни ўтказиш билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг молиявий кўмагида амалга оширилади.

Шунингдек, қатор халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари ҳам ўз рағбатлантирувчи мукофотларини таъсис этган.

Танловга теле-, радио-, босма материаллар ҳамда интернет нашрларида эълон қилинган ишлар тақдим этилади (5 тадан кам бўлмаслиги керак).

Телевидение бўйича видеоматериаллар, ахборот ташувчи воситанинг қандай кўринишда бўлишидан қатъи назар, 3 минутдан 30 минутгача бўлиши керак.

Радиоэшиттиришлар (аудиокассета ёки системали диск) 5 минутдан 30 минутгача бўлиши керак.

Матбуот ва интернет материаллари даврий нашрнинг асл нусхаси ёки кўчирма нусхасида тақдим этилиши лозим.

Танловга юборилган материалларга қуйидагилар илова қилинади:

– муаллифнинг исми-шарифи, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;

– муаллифнинг турар жойи, уй ва иш телефонлари;

– паспорт нусхаси.

Танлов ғолибларини мукофотлаш маросими Жаҳон матбуоти эркинлиги куни – 2013 йил 3 майда тантанали равишда ўтказилади.

Мукофот бир шахсга такроран берилмайди.

Материаллар «Олтин қалам» танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим:

**Ўзбекистон Республикаси, 100129,**
**Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.**
**Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, 3-қават, 30, 35-хоналар.**
**Телефонлар: 244-64-61; 244-64-62; 244-37-87.**
**www.Journalist.uz**

# ХУСУСИЙ СЕКТОРГА ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР

***Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тобора ривожланиб бормоқда. Бу борада қабул қилинаётган қатор қонун ҳужжатлари, маъмурий сарф-харажатларни камайтириш, тадбиркорларни моддий-маънавий қўллаб-қувватлаш, имтиёзли солиқ ставкаларини жорий этиш каби чора-тадбирлар муҳим дастуруламал бўлиб хизмат қилаётир.***

Маълумки, аҳолини тадбиркорликка жалб этиш, тобора ривожланиб бораётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада қўллаб-қувватлаш мақсадида Президентимиз томонидан 2012 йил 20 декабрда имзо чекилган «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги қонун қабул қилинган эди.

Унда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун рухсат бериш тартиб-таомиллари турларини қисқартириш ва соддалаштириш кўзда тутилган. Хусусан, рухсат бериш тартиб-таомилларининг ошкоралиги, очиқлиги ҳамда тушунарлилиги, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни бериш тартибига доир талабларнинг ягоналиги ва уларнинг «бир дарча» орқали берилиши аҳамиятлидир. Масалан, тадбиркорликни бошлаш учун ваколатли органга бошқа ваколатли органлар томонидан бериладиган рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни тақдим этиш талаб қилинган ҳолларда бу жараён «бир дарча» орқали амалга оширилади.

Маълумот учун айтиш мумкинки, бугунги кунда аҳолининг 75 фоиздан ортиғи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик секторларида фаолият юритмоқда. Мамлакат иқтисодиёти ўсишида ҳам айни хусусий секторнинг улуши салмоқли эканлиги яхши маълум.

Эътироф этиш жоиз, «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги қонун тадбиркорларнинг нафақат вақтини, балки маблағларини тежаш ва уларни мақсадли йўналтириш имконини беради. Эслатиб ўтамиз, мазкур қонун жорий йилнинг июнь ойидан кучга киради.

# «АСРЛАР САДОСИ» ФЕСТИВАЛИ «NEW YORK TRAVEL SHOW — 2013»ДА ТАҚДИМ ЭТИЛДИ

***«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси жорий йилнинг 18-20 январь кунлари АҚШдаги йирик халқаро туристик кўргазмалардан бири - «New York Travel Show –2013»да Фонд форум томонидан анъанавий равишда ўтказиб келинаётган «Асрлар садоси» маданият фестивалининг тақдимотини ўтказди.***

Қайд этиш лозимки, мазкур туристик кўргазма ҳар йили Нью-Йорк шаҳрида ўтказилиб, унда дунёнинг 150 та мамлакатидан 500 га яқин сайёҳлик фирмаси иштирок этади. Кўргазма давомида унга 20000 дан зиёд киши ташриф буюриб, туризмга оид янгиликлар билан яқиндан танишади.

АҚШдаги кўргазмада иштирок этган кўпминг кишилик халқаро жамоатчиликка сайёҳлик нуқтаи назаридан олиб қараганда Фонд форумнинг ажойиб лойиҳаси – «Асрлар садоси» анъанавий маданият фестивали тўғрисидаги кенг қамровли ахборот ва фотосуратлар намойиш этилди. Қувонарлиси, бой маданий меросимиз ва миллий ҳунармандчилигимиз намуналари жойлаштирилган Ўзбекистон стенди атрофи доим томошабинлар билан гавжум бўлди. Кўргазмага ташриф буюрган меҳмонларга кўҳна ва навқирон шаҳарларимиз – Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент ва Шаҳрисабз ҳақидаги буклет ва эсдалик совғалари тақдим этилди.

Сайёҳлик саноати мутахассислари, оммавий ахборот воситалари ходимлари «Асрлар садоси» фестивалига оид каталогларни кўздан кечирар эканлар, мазкур маданият фестивалининг тарихи ва жўғрофияси билан ҳам қизиқдилар. Тақдимот давомида ўзбек санъат усталари концерт дастури билан қатнашиб барчанинг олқишига сазовор бўлдилар.

Таъкидлаш лозимки, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси «New York Travel Show» халқаро сайёҳлик кўргазмасида учинчи марта иштирок этиб, Ўзбекистон туристик салоҳиятини хорижликларга кенг намойиш этмоқда.

**«Туркистон-пресс»**

Жамият

# ЎЗБЕКИСТОН — УМУМИЙ УЙИМИЗ

***Республика байналмилал маданият маркази директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Насриддин МУҲАММАДИЕВ билан суҳбат.***

— Пиру бадавлат отахону онахонларимиз дуога қўл очиб, тинчлик, омонлик сўраганларида, кўз олдимизга иноқ-аҳил яшаётган юртимиз аҳли, яқинларимиз келади. Тинч ва осойишта ўтаётган ҳар кунимиз руҳимизни кўтаради. Бугунги ахборот асрида ҳаммамизга яхши маълумки, дунёнинг жуда кўп жойларида уруш ва ур-тўполон авжида. Бундай фожиали воқеаларга қочган хаёлимиз эса она Ватанимизда ҳукм сураётган тинчлик, фаровонлик, ободликни кўриб, шукр қилишга, бу азиз неъматларни асраб-авайлашга ундайди...

— Сиз айтган қаердаки уруш, жанжал, тўполон бўлаётган эса, ҳаммасининг тубида диний ёки миллий низолар ётибди. Шу сабаб, кўп миллатли мамлакат сиёсатининг асосий мақсади миллатлараро ва диний бағрикенгликни шакллантириш бўлиши зарур. Мустақилликнинг илк кунлариданоқ мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов раҳбарлигида миллий сиёсатнинг ўзига хос йўли ишлаб чиқилдики, айни шу сиёсат барқарор ва тўкин-сочин ҳаётимизнинг пойдевори бўлди. Конституциямизда ва барча қонунларимизда мазкур сиёсат ўз аксини топган. Юртимизда шаклланган бундай бағрикенглик маданиятидан кенг дунё жамоатчилиги ўрнак олишга интилаётгани ҳам бежиз эмас, албатта.

Юртбошимиз Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаларида «Ўзбекистонимизда тинчлик-осойишталик ва хавфсизликни, фуқаролар ва миллатлараро аҳиллик ва ҳамжиҳатликни кўз қорачиғидек сақлаш ва мустаҳкамлаш бундан буён ҳам энг муҳим, ҳал қилувчи вазифамиз бўлиб қолиши даркор», дея таъкидладилар.

**— Бу йўлда Республика байналмилал маданият марказининг тутган ўрни қандай?**

— Ҳозирга келиб мамлакатимизда 140 дан ортиқ миллий маданият марказлари фаолият юритмоқда. Республика байналмилал маданият маркази эса ушбу миллий маданият марказлар фаолиятини мувофиқлаштириб, уларга ташкилий ва услубий ёрдам кўрсатиб келмоқда. Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, бугунги кунда Республика байналмилал маданият маркази диёримизда яшаётган турли миллат вакилларининг маънавий-маърифий мулоқот масканига, ўзига хос дўстлик уйига айланган. Бу ерда мунтазам равишда халқ байрамлари, фестиваллар, барча миллатлар ардоғидаги ижодкорлар билан учрашувлар, семинарлар ва конференциялар ўтказиб келинади.

Ўтган йиллар мобайнида марказимиз томонидан 20 дан зиёд илмий рисола ва тўпламлар, шунингдек, мамлакатимиздаги миллатлараро тотувлик ва бу борада Истиқлол йилларидаги ютуқларимизни акс эттирувчи «Ўзбекистон — умумий уйимиз» альбом китоби, «Ўзбекистон — бағрикенг диёр», «Ўзбекистон Конституцияси — буюк келажагимиз кафолати», «Мустақил Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ривожи» каби мақолалар тўпламлари чоп этилди.

**— Алоҳида эътиборга молик воқеа — ўтган йили Республика байналмилал маданият маркази ташкил этилганлигининг 20 йиллиги юртимиз бўйлаб кенг нишонланди. Мазкур сана муносабати билан ва умуман, 2012 йилда марказ томонидан амалга оширилган ишлар юзасидан маълумот бериб ўтсангиз?**

— Албатта, Республика байналмилал маданият маркази фаолиятининг 20 йиллигининг муносиб нишонланишини юртимиздаги барча миллат вакиллари катта қувонч билан кутиб олишди. Шу муносабат билан Президентимизнинг тантанали йиғилиш қатнашчиларига йўллаган табриги эса янада қувончли бўлди. Айтиш жоизки, ўтган 2012 йил бизнинг фаолиятимиз учун жуда самарали келди. Юбилей доирасида ўтказилган тантанали тадбир ҳамда таниқли санъаткорлар ва миллий маданий марказлар бадиий жамоалари иштирокидаги гала-концерт кўпчиликда катта таассурот қолдирди. Шунингдек, «Ўзбекистон — умумий уйимиз» IV дўстлик ва маданият фестивали ғолибларини тақдирладик. Эътироф этиш мумкинки, йил давомида ўтказган илмий-амалий анжуман ва турли миллатга мансуб рассомларнинг асарлари кўргазмаси юртимиздаги миллатлараро тотувлик, бағрикенгликнинг ёрқин намойишига айланди.

Поёнига етган йилда Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда Мустаҳкам оила йилига бағишлаб «Ўзбекистон – кўп миллатли аҳил оила» шиори остида бадиий ва илмий-амалий тадбирлар ўтказдик. Бундан ташқари, «Қудратимиз — бирлик ва ҳамжиҳатликда», «Ватан — ягонадир, Ватан — биттадир», «Ўзбекистон — умумий уйимиз», «Миллий ғоя — бизнинг ғоя» мавзуларида ўтказилган дўстлик анжуманлари, фестиваль ва семинарлар ҳам 2012 йил ҳисоботидан ўрин олди. Обод турмуш йили деб эълон қилинган 2013 йилда ҳам бу каби саъй-ҳаракатларимиз мунтазам давом этади.

**— Бугунги давр талаби ўз кишисидан замонавий билимларни, компьютер технологияларини мукаммал ўзлаштиришни талаб қилмоқда. Ўз навбатида эса хорижий тилларни ўрганиш ҳам бугунги кун эҳтиёжи ҳисобланади. Бу борада Республика байналмилал маркази томонидан амалга оширилаётган ишлар хусусида ҳам тўхталсангиз. Ва айтингчи, таълим бошқа тилда олиб бориладиган ўқув муассасалари фаолияти қандай?**

— Бугунги кунда республикамиздаги олий ўқув юртларида турли миллатга мансуб талабалар таҳсил олади. Дунёнинг камдан кам мамлакатларида кузатиладиган яна бир ҳолат шуки, бизда таълим 7 та тилда олиб борилади. Булар сирасига ўзбек ва қорақалпоқ тилларидан ташқари рус, қозоқ, туркман, тожик ва қирғиз тилларини киритиш мумкин. Яна бир диққатга молик жиҳат — Республикамиздаги оммавий ахборот нашрлари ҳам турфа тилларда чоп этилади, қардош халқлар тилида радио ва телекўрсатувлар тайёрланаётгани юртимизда миллатлараро тотувликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Марказ томонидан ҳар йили икки марта тил байрами ўтказилади. Булар — ЮНЕСКО Бош конференцияси 30-сессиясида (1999 йил) 21 февраль – Халқаро она тили куни деб эълон қилинган ва 2000 йилдан 195 та аъзо давлатларда нишонланиб келинаётган «Халқаро она тили куни» ва Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилган кун ҳисобланади. Айни муносабат билан ҳар йили анъанавий тарзда ўзбек тили бўйича нотиқлик санъати танловини ташкил этиб келмоқдамиз. Унда асосан русийзабон талаба-ёшлар иштирок этишади.

Хорижий тилларни ўрганиш масаласи эса мудом таъкидлаб келаётганимиз каби — замон талабидир. Ўқиш-ўрганишнинг эрта-кечи бўлмайди. Зеро, хорижий тилларни мукаммал билиш бизга дунё эшикларини очади.

**— Суҳбатимиз якунида тилакларингиз...**

— Кўнгил хотиржамлиги ҳақида айтмоқчийдим. Бизнинг бобокалонларимиз ўз даврида дунё цивилизациясига муносиб ҳисса қўшганлар. Мустақиллик йилларида улуғ алломаларимизнинг бебаҳо мероси ҳар томонлама тадқиқ ва тарғиб қилинди. Хусусан, халқимиз бағрикенглик, меҳмондўстлик бобида ҳам донг таратган. Шуларни ўйлаб кўнгил хотиржам топади, келажакка ҳавас ортади. Билсангиз, бунда ҳикмат кўп. Бу анъаналарни давом эттириш кўпроқ ёшларимизга боғлиқ. Ишончимиз комилки, бугунги ёшларимиз бунинг уддасидан чиқишади

**Улуғбек АСРОРОВ,**
**«Туркистон-пресс» мухбири суҳбатлашди**

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**«KO`P TARMOQLI KO`CHMAS MULK SAVDO» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига Яккасарой тумани СИБ томонидан 13.09.2012 йилдаги №2-93-12-сонли ижро ҳужжатига асосан, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, 4-тор Жамбул кўчаси, 2 - уйда жойлашган умумий ер майдони 593,0 кв.м., фойдали майдони 101,93 кв.м. ва яшаш майдони 47,67 кв.м.дан иборат бўлган турар уй-жой қўйилмоқда. Бошланғич нархи – 225 952 000 сўм.

2. Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан 03.09.2009 йилдаги №11963/12-сонли ижро ҳужжатига асосан, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур кўчаси, 76-уйда жойлашган умумий майдони 116,0 кв.м.дан иборат кўчмас мулк қўйилмоқда. Бошланғич нархи – 104 785 000 сўм.

Аукцион савдолари 2013 йилнинг 1 март куни соат 11:00 да Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади. Юқорида кўрсатилган кўчмас мулк 2013 йилнинг 1 март куни сотилмаган тақдирда такрорий аукцион савдоси 2013 йилнинг 22 март куни бўлиб ўтишини аввалдан маълум қиламиз.

Такрорий аукцион савдосига Бектемир тумани СИБ томонидан 12.10.2011 йилдаги №1-12718/11 - сонли ижро ҳужжатига асосан, бошланғич нархи – 62 500 000 сўм бўлган, Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Билол Нозим кўчаси, 40 А-уйда жойлашган умумий майдони 503 кв.м.дан иборат 1 қаватли омборхона биноси («А» блок -332 кв.м., «Б» блок - 181 кв.м.) кўчмас мулк, 2) Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан 13.07.2010 йилдаги №8739-45/22-сонли ижро ҳужжатига асосан, бошланғич нархи – 69 375 000 сўм бўлган, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Абдулла Қаҳҳор кўчаси, 16-уйда жойлашган умумий фойдаланиш майдони 199,38 кв.м., яшаш майдони 86,0 кв.м. бўлган 4 та яшаш хонадан иборат уй-жой қўйилмоқда. Аукцион савдоси 2013 йилнинг 8 февраль куни соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Ушбу савдода қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 % дан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «KO`P TARMOQLI KO`CHMAS MULK SAVDO» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека банк» Шайхонтоҳур филиалидаги 20208000104931635001 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт. МФО 00425, СТИР 207128747, ОКОНХ 83400.

Аукцион савдолари юқорида кўрсатилган кунлар соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади. Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойга чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш расмий иш кунлари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш ким ошди савдоси ўтказилишига бир иш куни қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61.

Лицензия: №0039

*Саноат корхонаси «Корхона бош энергетигининг биринчи ўринбосари» лавозимига*

*ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:*

*Даъвогарга қўйиладиган талаблар: соҳа бўйича олий маълумот, муҳандис-техник ва раҳбарлик лавозимларида ишлаш бўйича — камида 5 йиллик тажрибага эга бўлиши, хавфсизлик бўйича рухсат берилган гуруҳи — бешинчидан паст бўлмаслиги керак. Иш ҳақи — суҳбатлашиш якуни бўйича белгиланади. Лавозим бўйича кўтарилиш истиқболлари мавжуд.*

**Шунингдек, корхонага юқори малакали электриклар ва КИПиА созловчилари ишга қабул қилинади.**

*Корхона хизмат транспорти, бепул овқат билан таъминлайди.*

*Иш ҳақи ўз вақтида тўланади. Чимёнда болалар соғломлаштириш оромгоҳи мавжуд.*

*Мулоқот учун телефонлар:*

*241-10-81, 929-55-97.*

**Ҳурматли ҳамшаҳарлар!**

*«Махсустранс» ишлаб чиқариш бошқармасида бугунги кунда 22 дона «MAN» русумли 15 м$^3$ ҳажмли юк ташувчи (самосвал) автотранспорт воситалари мавжуд.*

*Ушбу автотранспорт воситалари Тошкент шаҳри ҳамда Тошкент вилояти ҳудудида барча турдаги юк ташиш бўйича хизматларни кўрсатади.*

*Нархлар келишилган ҳолда.*

*Маълумот учун телефонлар:*

*250-54-17, 247-97-53, 126-50-55, 503-13-31.*

Ислоҳотлар оқимида

# ЯРАШУВ ИНСТИТУТИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИЛДИ

***Истиқлол йилларида мамлакатимизда ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг муҳим таркибий қисми бўлган суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишнинг мутлоқ янги концепцияси амалда жорий этилди. Шунингдек, содир этилган жиноятлар учун озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо турларининг киритилганлиги, жазолардан озод қилиш институтларининг такомиллаштирилганлиги жазо тизимини либераллаштиришга қаратилган ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларнинг изчил, тадрижий ва узлуксиз давом эттирилаётганини ҳам алоҳида қайд этиш лозим.***

Жиноят қонунчилиги либераллашувининг муҳим ютуқларидан бири ярашганлик муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш институтининг жорий этилиши бўлди. Ярашганлик муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш Жиноят Кодексининг $66^1$-моддасида белгиланган бўлиб, шахс ЖК $66^1$-моддасида кўрсатилган жиноятлардан бирини содир этса, айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса, етказилган зарарни бартараф этса, илгари оғир ва ўта оғир жиноятлар учун судланмаган бўлса, унга нисбатан жавобгарликдан озод қилишнинг мазкур тури қўлланади. Жавобгарликдан озод қилишнинг бу тури бошқаларидан шуниси билан фарқ қиладики, бу асосга кўра айнан қандай жиноятларни содир этган шахс жавобгарликдан озод қилиниши мумкинлиги мустаҳкамланган, жавобгарликдан озод қилиш учун зарур бўлган барча ҳаракатлар жабрланувчи ва жиноят содир этган шахснинг иродасига боғлиқдир.

Президентимиз Ислом Каримов ўзининг «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепция»сида таъкидлаганидек: «...ҳуқуқни қўллаш ва суд амалиётига 2001 йилдан бошлаб ярашув институти киритилди ва у самарали фаолият кўрсатмоқда. Ярашув институтининг талабига кўра, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноий қилмишни содир этган шахс жабрланувчига етказилган зарарни тўлиқ қоплаб берган тақдирда жиноий жавобгарликка тортилмайди. Мазкур институтнинг самарадорлиги ҳамда ўзбек халқининг раҳмдиллик ва кечиримлилик каби кўп асрлик анъаналарига мослиги унинг изчиллик билан кенгайиб боришига асос бўлди».

Жиноят қонунчилигининг либераллашуви давом этар экан, ярашув институти қўлланиши мумкин бўлган жиноятлар сони ҳам ортиб бораверади. 2013 йил 4 январда эълон қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунига кўра киритилган ўзгартиришлар натижасида ҳам Жиноят Кодексининг $66^1$-моддасига кўра ярашганлик муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш мумкин бўлган нормалар сони кўпайиб, ЖК 180, 181, 189, 191-моддаларда назарда тутилган жиноятларни содир этган шахсларга ҳам мазкур институт қўлланиши мустаҳкамланди. Бу жиноятларнинг барчаси ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар таснифига кириб, уларнинг содир этилиши жамият учун оғир оқибатларга олиб келмайди. Аксинча, жиноят содир этган шахс билан ярашиш орқали етказилган зарарнинг қопланишидан жабрланувчи ҳам манфаатдор саналади.

ЖК 180, 181-моддаларида сохта банкротлик ва банкротликни яширганлик учун жавобгарлик белгиланган бўлиб, ҳар икки жиноятда ҳам кредиторларга кўп миқдорда зарар етказилиши жиноий оқибат сифатида назарда тутилади. Демак, бу жиноят натижасида келиб чиқадиган оқибатлар фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг (шартномавий) бажарилмаслигидир. Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг асосларидан бирини мулкий муносабатлар ташкил этиб, кредитор ҳар доим ўзига тегишли бўлган мулкнинг қайтарилишидан ёки унга етказилган зарарнинг қопланишидан манфаатдор саналади. Қарздорнинг ўзини сохта банкрот деб эълон қилиши ёки банкротлигини яшириш орқали жиноят содир этиб, жиноий жавобгарликка тортилишидан кўра, кредиторларга етказилган зарарнинг қопланиши қарздор учун ҳам, кредитор учун ҳам фойдалидир. Чунки ҳар қандай жиноят учун жавобгарликка тортилиш судланганлик оқибатини келтириб чиқаради.

Шу сабабли ушбу жиноятларга нисбатан ярашув институтининг қўлланиши мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун жиноят содир этган шахс етказилган зарарни қоплаши, айбига иқрор бўлиши, жабрланувчи билан ярашиши муҳим белгидир.

ЖК 180, 181-моддаларида рағбатлантирувчи қисм мавжуд бўлиб, агар шахс етказилган зарарни уч карра миқдорида қоплаган тақдирда, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди. Бу қоида инсонпарварлик принципининг амалий ифодаси бўлиб, жазолашдан кўзланган мақсадга Махсус қисмнинг тегишли моддаларида назарда тутилган енгилроқ чораларни қўллаш орқали эришиб бўлмайдиган тақдирдагина оғирроқ жазо тайинланиши мумкин. Жиноят содир этган шахснинг етказилган зарарни уч карра миқдорда қоплашининг ўзи унинг ахлоқан тузалиш йўлига ўтганлигидан далолат беради.

Етказилган зарарнинг қопланганлиги учун озодликдан маҳрум қилиш жазосининг бошқа жазо билан алмаштирилиши ёки ярашувнинг қўлланилиши жиноят содир этган шахсга нисбатан жавобгарлик ва жазодан озод қилиш асосларини кенгайтириб, инсонпарварлик тамойилининг қонунчилигимизда ўз ифодасини топаётгани ва жиноят қонунининг янада либераллашиб бораётганидан далолат беради.

**Баҳром АХРОРОВ,**
**юридик фанлари доктори, профессор**
**Элбек ТУРГУНБОЕВ,**
**юридик фанлари номзоди**

# ЁШ МУТАХАССИСЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН

***Тасвирларни аниқлаш муаммолари билимдони махсус курси бўйича уюштирилаётган ўқув машғулотлари дастури кибернетика фани соҳаси ёш мутахассисларига мўлжалланган.***

Ўзбекистон Фанлар академияси «Кибернетика» институти олимлари ушбу мавзу доирасида жиддий изланишлар олиб бормоқдалар. «Информатикани ўқитиш услубияти» номли изланишдан ҳам олий ўқув юртларида кенг фойдаланилаётир.

Кибернетик олимларнинг «Миллий ҳисоблар тизими»га оид тадқиқот эса кўп нусхада чоп этилди.

«Ахборотлар технологияси», «Компьютер графикаси», «Математик моделлаштириш» каби йўналишларда олиб борилган тадқиқотлар натижаси ўлароқ ўқув қўлланмалари яратилди. Тошкент Автомобиль йўллари институти буюртмаси асосида босмага тайёрланган «Менежмент, тадбиркорлик, маркетинг бошқарув асослари» қўлланмасидан бошқа техника олий ўқув юртларида ҳам фойдаланилмоқда. Ўзбекистон Давлат консерваторияси талабалари билан эса «Маркетинг асослари» бўйича машғулотлар олиб борилмоқда.

Информатика касб-ҳунар коллежида математикадан тайёрланган қўлланма бўйича ўқув машғулотлари олиб борилмоқда.

**Анвар ВАЛИЕВ**



Аскар Ёқубов (ЎзА) олган сурат

Анжуманлар

# ТИББИЁТ КОЛЛЕЖИДА МАЪРИФИЙ ТАДБИР

***Инсон доим ойдин орзулари билан яшайди, уларга эришишнинг осон йўлларини қидиради. Баъзида орзуси амалга ошгандек туюлади-ю аммо ўзи билмаган ҳолда берк кўчага кириб қолганини сезмайди.***

Булар алдов йўли билан одам савдоси қурбонига айланиб қолган кишилардир. Қанчадан-қанча инсонлар ана шундай ғараз ниятли кимсалар чангалига тушиб, хорижий давлатларда қулдек хор бўлмоқдалар.

Шу боис мамлакатимизнинг турли ҳудудларида бундай муаммоларнинг олдини олиш мақсадида турли маърифий тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

М. Турсунхўжаева номли тиббиёт коллежида ҳам «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Учтепа туман бўлими ҳамда «Истиқболли авлод» ёшлар ахборот-маърифат маркази ҳамкорлигида «Одам савдоси – давр муаммоси» мавзуида семинар-тренинг бўлиб ўтди.

Унда коллежнинг ўқувчилари иштирок этишди. Семинар давомида модераторлар томонидан одам савдоси, унинг бугунги кунда нақадар авж олиб минг-минглаб оилаларни парчалаб, жамиятимизга катта зарар келтираётганлиги тўғрисида маълумот берилди. Мамлакатимизда ана шундай ташвишли ҳолатнинг олдини олиш бўйича амалга оширилаётган ишлар, соҳадаги қонунчилик тўғрисида сўз юритилди.

Семинар тенгдош-тенгдошга тамойили остида ташкил этилиб, ўқувчи-қизларнинг фикрлари ўрганилди ва баҳс-мунозарага бой ўтди.

Семинар сўнггида иштирокчиларга одам савдосининг аянчли оқибатлари ҳақида ҳикоя қилувчи видеофильм намойиш этилди.

**Ҳабиба ЙЎЛДОШЕВА**

# ЭЛЕКТРЛАШТИРИШ ЖАДАЛ ОЛИБ БОРИЛМОҚДА

***«Ўзбекистон темир йўллари» давлат компаниясининг электр таъминоти маркази электрлаштирилган темир йўлга хизмат кўрсатади. Марказ таркибида кўплаб тортиш ва трансформатор нимстанциялари, юқори вольтли ҳаво ва кабель линияларидан фойдаланилмоқда.***

— Ўтган йили марказимизда катта ҳажмдаги капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилди, — дейди катта техник ходим Сергей Власов. — Тошкент электр тармоғидаги «Чуқурсой», «Ўзбекистон», «Келес» ҳамда «Аранча» бекатларини ёриткичлари «МГРО» русумли замонавий ва кам электр сарф қиладиган ёриткичларга алмаштирилди. Шунингдек, бу каби жараёнлар «Боёвут», «Янгиер», «Мискин» каби участкаларда амалга оширилди.

Компаниянинг электрлаштирилган участкалари узунлиги Ўзбекистон темир йўллари умумий узунлигининг 15 фоиздан ортиғини ташкил қилади. «Тошкент-Хўжакент», «Тошкент-Келес», «Тошкент-Кучлук» каби йўналишлар тўлиқ электрлаштирилди.

**Акбар АЛИЕВ**

Тошкент Давлат техника университети томонидан 2012 йилда Солиев Сардор номига берилган магистрлик дипломи иловаси йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

1-Республика тиббиёт коллежи томонидан 2003 йилда Худайбердиева Зульфия Шавкатовна номига берилган Т № 012497 рўйхат рақами, № 40 сонли диплом йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент Давлат техника университети «Электроника ва автоматика» факультети жамоаси «Ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш» кафедраси мудири, академик Н.Р.Юсупбековга акаси

**Ғайратбек Рустамбекович ЮСУПБЕКОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Тошкент шаҳар Кенгаши жамоаси Кенгаш ходими, заҳирадаги подполковник

**Отаназар Султонович ИСМОИЛОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

***«ЭКОСАН» халқаро жамоат фонди Юнусобод туманидаги Увайсий маҳалла фуқаролар йиғини билан ҳамкорликда 258-сонли умумтаълим мактабида «Экология ва саломатлик» мавзусида учрашув уюштирди.***

# БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

Тадбир олдидан ўқувчиларнинг «Атроф-муҳит муҳофазасига оид иншо (реферат)лар» танловига тақдим этган ишлари, деворий газеталар ва экологияни асрашга доир кўргазмалар ҳамда Орол денгизи фожиасига бағишланган «Номи картага киритилмаган Саҳро» ҳужжатли фильми намойиш этилди.

Тадбирни очган 258-сонли мактаб директори ўринбосари Акмал Лутфуллаевнинг таъкидлашича, бизни ўраб турган табиат борлиқни ҳаётбахш нафаси билан таъминлаб туради, тўйдиради. Ана шундай саховаткор курраи заминнинг озор топиши у билан бевосита боғлиқ одамзод ва жониворларни таҳликага солиб қўйиши мумкин. Ҳозирги кунда, табиатни муҳофаза қилиш энг долзарб ва кечиктириб бўлмайдиган муаммолардан бирига айлангани боис шахсда экологик маданиятни шакллантириш биринчи галдаги вазифалардан бири саналади, бу борада соғлом турмуш тарзининг ўрни беқиёсдир, албатта.

— Тумандаги оилавий поликлиника ва маҳаллалар фаоллари, Ички ишлар бошқармаси таянч пункти, айниқса, мактаб ота-оналар кенгаши билан қатор йиллардан бери ўрнатилган мустаҳкам ҳамкорлик орқали мактабда барча қулай шароитларда билим беришга, соғлом турмуш тарзини кенг оммалаштиришга имкон яратилган, — дейди Увайсий маҳалла фуқаролар йиғини раиси Рустам Расулов. — Ўқувчиларнинг тиббий кўриклардан мунтазам ўтказиб турилиши сабаб касалликларнинг, айниқса, юқумли хасталикларнинг олди олинмоқда, болалар спорти, фанлар бўйича ва бадиий тўгараклар ривожи боис бир қатор ўқувчилар туман, шаҳар, республика мусобақа ва танловларида ғолиб бўлдилар, Тошкент шаҳар ҳокимининг қарорига жавобан «Шанба – тозалик куни»да фаоллик кўрсатиб, мактаб ҳудуди ва маҳаллалардаги атроф-муҳит муҳофазасига муносиб ҳисса қўшилмоқда, мактаб ҳовлисида боғ яратилган.

Тиббиёт фанлари доктори, академик Шариф Отабоевнинг «21 асрда экология ва саломатлик муаммолари» мавзусидаги маърузаси катта қизиқиш билан тингланди. У, жумладан, «БМТнинг Барқарор ривожланиш учун таълим бўйича 2005-2014 йилларга мўлжалланган Дастури тавсиялари»га асосан, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Халқ таълими вазирликлари ва Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси 2005 йил 7 ноябрда қабул қилган «Республикада экологик таълимни ривожлантириш ва эколог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш истиқболлари Дастури ва Концепцияси ҳақида»ги қўшма қарорни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раҳбарлигида «ЭКОСАН» ХЖФ касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлари учун «Экология» фани бўйича ўқув қўлланма» тайёрлаб, «ЭКОСАН» маблағига нашр этилганини, тақдимотидан сўнг мамлакатимизнинг барча коллеж ва лицейларига, хайрия йўлида тарқатилганини маълум қилди. Шу каби адабиётларнинг баркамол авлодда экологик онг ва маданиятнинг шаклланишидага аҳамияти муҳимлиги ҳақида, бугун экология фани ўз ичига 70 дан ортиқ соҳаларни жамлаган ҳолда тараққий этиб бораётганини ёрқин мисоллар орқали талқин қилиб берди. У, бугун Тошкент Давлат педагогика университети доцентлари Ўктам Хўжаназаров ва Тошбуви Норбобоева, «ЭКОСАН» ходими Миркарим Мирсовуров томонидан умумтаълим мактаблари учун «Экология»фанидан ўқув қўлланмаси нашрга тайёрлаб, топширилганини ҳам қайд этиб ўтди.

«ЭКОСАН»нинг «Анъаналарни тикла – дарахт эк!» акциясига жавобан, 258-сонли мактаб ўқувчилари мактаб боғини кўкламда яна 100 туп кўчат экиб, кенгайтириш ва уни «Ёш экологлар боғи»га айлантиришга келишиб олдилар.

«ЭКОСАН» ХЖФ томонидан «Табиат ва Мен» мавзусидаги иншолар танлови ғолиблари, «Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» мавзусидаги деворий газеталар танлови ғолиблари, мактабдаги экологияга оид тадбирларни ташкиллаштиришдаги фаоллиги учун 7д- синф ўқувчиларига, экологияга оид реклама роликлари учун 7-синф ўқувчиси Хуршид Мухамедгалиевга, атроф-муҳит мавзусидаги савияли дарслари учун ўқитувчилар Майсара Ўринова ва Раҳима Дўсметоваларга совғалар топширилди.

Анжуманни ўқувчилар бадиий тўгараги чиқишлари якунлади.

**Дилмурод ИСМОИЛОВ**



# ФИКРЛАР ПАРВОЗИ

***Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий кўргазмалар залида «Фикрлар парвози» мавзусидаги тасвирий санъат асарлари кўргазмаси ташкил этилди.***

Кўргазманинг очилишида давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, санъатшунос олимлар, мусаввир ва ҳайкалтарошлар, уста ва ҳунармандлар, олий таълим даргоҳларининг профессор-ўқитувчилари, талабалар иштирок этди.

Тадбирда сўз олган Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазири Т. Қўзиев, Бадиий академия раиси А.Нуриддинов, Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ч.Сяо, республикамизнинг таниқли санъатшунослари ва рассомлари ҳозирги замон ўзбек санъати, ёш ижодкорларни қўллаб-қувватлаш йўлида юртимизда амалга оширилаётган оммавий тадбирлар ва танловлар ҳақида атрофлича тўхталишди.

Таъкидлаш лозимки, ўтган давр мобайнида Бадиий академия томонидан ёш мусаввирларни тайёрлаш, санъат соҳасида илмий тадқиқотлар олиб бориш, соҳага доир китоб ва рисолалар нашр этиш бўйича самарали ишлар қилинди. Кўргазмалар, санъат ҳафталиклари ва кўрик-танловлар ташкил этилди.

«Фикрлар парвози» кўргазмаси ҳам мамлакатимиз рассомларининг энг сара асарларини тарғиб қилиш, ёш ижодкорлар руҳий дунёқарашини юксалтиришга хизмат қилади.

# ЭНГ ЯХШИ ҚИСҚА МЕТРАЖЛИ ФИЛЬМЛАР ТАҚДИМОТИ

***Елисей шартномаси имзоланганлигининг 50 йиллиги муносабати билан Германия Федератив Республикаси ва Франциянинг Ўзбекистондаги элчихоналари Тошкентдаги Гёте ҳамда Франция институти билан ҳамкорликда «Atelier Ludwigsburg-Paris» дастури битирувчиларининг энг яхши қисқа метражли фильмлар тўпламини тақдим этди.***

Таъкидлаш жоизки, «Atelier Ludwigsburg-Paris» европалик ёш режиссёрларга мўлжалланган бир йиллик ўқув дастури ҳисобланади. Людвигсбургдаги Баден-Вюртемберг кино академияси, Париждаги «Ла Фемис» Олий миллий мактаби ва Лондондаги Кино ва телевидение миллий мактаблари ўзаро ҳамкорликда ушбу дастурга асос солишган.

Дастур давомида кино ва телевидение соҳасининг таниқли вакиллари бутун Европадан ташриф буюрган 18 нафар иштирокчига маҳорат дарслари ўтишади. Ўқув дастури натижалари асосида эса иштирокчилар АРТЕ француз-немис телеканали ва СЦР немис телеканали билан ҳамкорликда қисқа метражли фильмларни суратга оладилар.

**«Туркистон-пресс»**

## ОЗ-ОЗ ЎРГАНИБ ДОНО БЎЛУР

# МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

**Дунёқарашни қуруқ илм ўрганиш эмас, фикрлаш кенгайтиради.**

* * *

**Нодон нуқул ўзини ўйлагани учун ўз фойдасига сира адашмайди.**

* * *

**Одамларнинг ҳамдардлигию ачинишига ишонма – улар дардингни билиб олиб, дунёга достон қилиш пайида бўладилар.**

* * *

**Нодонга тушкунлик туйғуси ёт.**

* * *

**Ёш кучига ишонади, кекса ақлига.**

* * *

**Нафс моҳир созанда – у куйига ҳаммани ўйнатади.**

* * *

**Муттаҳам гап топиб беради, иш эмас.**

* * *

**Олимнинг хатоси – оламнинг хатоси.**

* * *

**Юракни ҳовучлаб яшаш одамни адо қилади.**

* * *

**Икки куннинг бир хил ўтмайди.**

* * *

**Аслида кераксиз ишлар кўп вақтимизни олади.**

* * *

**Биз кўпинча бошқаларга талаб қўямиз, ўзимизга эмас.**

* * *

**Меҳнатнинг нони қаттиқ.**

* * *

**Ҳар бир иш ҳам то бошлаб олгунча.**

* * *

**Тама рангни сарғайтиради.**

* * *

**Нодон ўзини овораю сарсон қилиб юраверади.**

* * *

**Қайсар ҳамиша ўзини ҳақ деб ҳисоблайди.**

* * *

**Бахт кўчада ётмайди.**

* * *

**Керак кишини қидирадилар, кераксизни унутадилар.**

* * *

**Ақлли киши мақсадсиз бирор иш қилмайди.**

* * *

**Ишлаган ютади, гапирган ютқазади.**

* * *

**Ҳар қандай эътироз норозиликка сабаб бўлади.**

* * *

**Насиҳат беришга ҳамма уста, амал қилишга эса нўноқ.**

* * *

**Бекорчи кунни кеч қилолмай овора.**

* * *

**Рақибнинг иши таъқиб.**

**(Давоми бор)**

**Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган**

## Спорт янгиликлари

# ТУРНИРНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ БОШЛАШДИ

***Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида ўтказилаётган футбол бўйича «МДҲ Кубоги» халқаро турнирини Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси муваффақиятли бошлади.***

Шуни таъкидлаш жоизки, авваллари Болтиқбўйи ҳамда МДҲ чемпионлари иштирокида ўтказиб келинаётган ушбу турнирда учинчи йилдирки, МДҲ мамлакатлари ўсмирлар терма жамоалари ғолиблик учун кураш олиб боришади. Мамлакатимиз ўсмирлар терма жамоаси айрим сабабларга кўра ушбу турнирда ҳали қатнаша олмаганди.

Ўз гуруҳларида Россия, Қозоғистон, Қирғизистон ўсмирлари қаршилигини енгишларига тўғри келган Аҳмаджон Мусаев шогирдлари биринчи учрашувда россиялик тенгқурлари билан куч синашишди. Шиддатли ҳамда муросасиз курашларга бой кечган баҳсда томонлар муроса йўлини танлашди. Ўйин 2:2 ҳисобида якунланди.

Россияликлар дарвозасига голларни Козак, Искандаров йўллашди.

Қозоғистон — Қирғизистон терма жамоалари учрашувида 3:1 ҳисоби қайд этилди.

Гуруҳнинг иккинчи турида айнан Қозоғистон — Ўзбекистон терма жамоалари куч синашишди. Ҳамюртларимизнинг устунлигида кечган баҳс 1:0 ҳисобида якунланди. Рақибларимиз дарвозасига ғалаба келтирган голни Искандаров киритди. Ушбу ғалабадан сўнг ҳамюртларимиз тўрт очко жамғариб, чорак финал йўлланмасини қўлга киритишга жуда яқин турншибди. Энди Мусаев шогирдлари ҳал қилувчи учинчи турда қирғизистонлик тенгқурларини мағлубиятга учратса мақсадларига етишади.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

***Тошкентнинг «Пахтакор» клуби Бирлашган Араб Амирликларида Махачқалъанинг «Анжи» клуби билан навбатдаги назорат учрашувини ўтказди. Рақиб жамоа сафида бир қатор жаҳон юлдузлари тўп суришига қарамай, йигитларимиз яхши ўйин намойиш этиб якунда ғалабага эриша олишди.***

# «ПАХТАКОР»НИНГ АЖОЙИБ ҒАЛАБАСИ

Россия чемпионатидаги таътил маҳачқалъаликларга ўз таъсирини ўтказган кўринади. Сариқ кийимли футболчилар кўплаб қулай вазиятларга эга бўлишса-да, самарадорлик доимгидек эмас эди. Шу куни мухлислар футболнинг ҳақиқий жанговар ва қайноқ ҳароратидан баҳраманд бўлишди. Дастлабки бўлимда Гус Хиддинк шогирдларининг кўплаб ҳужумларини дарвозабон Темур Жўраев қайтаришга муваффақ бўлди. Иккинчи бўлимда бир оз жонланган пахтакорчилар 76-дақиқада ҳисобни очишди. Бурчак тўпидан сўнг Боян Миладинович «Анжи» дарвозасини ишғол қилди — 1:0. Қолган вақт давомида рақиб ҳисобни тенглаштириш учун катта куч билан ҳужумга зўр берди, бироқ ҳимоячилар ва Лобанов гол бўлишига йўл қўйишмади.

Аксинча, мамлакатимизнинг амалдаги чемпиони ўзининг тезкор қарши ҳужумлари орқали Расим Тагирбеков ва Лассана Диарра каби Европанинг кучли футболчилари билан кучайтирилган рақибларнинг ҳимоя чизиғини ёриб ўта олишди. Бироқ ўйинда бошқа тўп киритилмади.

**Раббонақул МУХТОРОВ**

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

# ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 февралдаги «Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари директорларини аттестациядан ўтказиш тўғрисида»ги Р-2146-сонли фармойишига асосан қуйидаги таълим муассасаларининг вакант (бўш) бўлган директорлик лавозимига

***ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:***

| № | Таълим муассасаси номи | Манзили |
|---|---|---|
| | **Директорлик лавозимига** | |
| 1 | Ҳамза компьютер технологиялари касб-ҳунар коллежи | Ҳамза тумани, Оқдарё кўчаси, 122-уй |
| 2 | Шайхонтоҳур транспорт касб-ҳунар коллежи | Шайхонтоҳур тумани, Белтепа даҳаси, 10-уй |
| 3 | ЖИДУ қошидаги Шайхонтоҳур академик лицейи | Шайхонтоҳур тумани, Зулфияхоним кўчаси, 242-уй |

Танловда олий маълумотли, камида 5 йил олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида педагог ҳамда раҳбарлик лавозимларида иш стажига эга бўлган, таянч олий маълумоти таълим муассасасида мавжуд бўлган тайёрлов йўналишларидан бирига тўғри келадиган мутахассислар иштирок этишлари мумкин.

**Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:**

*1.Сўровнома (справка-объективка).*
*2.Таржимаи ҳол.*
*3.Олий маълумот ҳақида дипломнинг нусхаси.*
*4.Илмий даража ва илмий унвони (мавжуд бўлса) ҳақидаги ҳужжатларнинг нусхалари.*
*5.Илмий-услубий ишлар ва ихтиролар рўйхати (мавжуд бўлса).*
*6.3х4 ўлчамли 6 дона фотосурат.*
*7.Паспорт (нусхаси).*
*8.Тавсифнома.*
*9.Меҳнат дафтарчасидан нусха.*

Ҳужжатларнинг асл нусхалари шахсан номзодлар томонидан кўрсатилади.

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 30 кун мобайнида қабул қилинади.

***Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 55-уй. Тел: 252-23-35.***

ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ
UZHYMET

*Тошкент шаҳрида **24 январь** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 0-2 даража совуқ, кундузи — 11-13 даража илиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **24 январда** Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фоиз пасайиши тахмин қилинмоқда, тагмиқдори паст бўлади.*

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65, факс: (371) 232-11-39
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-9229
Бизнинг электрон манзил: vto2007@mail.uz
Буюртма Г- 141
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилди. 12967 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул Д. Исроилов
Босишга топширилди: 14.20
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ
1 2 3 5